

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИКНИ САКЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ВА УРТА ТИББИЙ ТАЪЛИМ БУЙИЧА
УКУВ-УСЛУБ ИДОРАСИ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**Нафас олиш аъзоларини касалликлари
(Рейтинг тизимида таълим олаётган тиббиёт институтлари педиатрия,
даволаш ва тиббий педагогика факультетлари талабалари учун укув-услубий
кулланма)**

**АНДИЖОН-2006
УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИКНИ САКЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ВА УРТА ТИББИЙ ТАЪЛИМ БУЙИЧА
УКУВ-УСЛУБ ИДОРАСИ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

«Т А С Д И К Л А Й М А Н»
Уз.Р ССВ кадрлар ва
укув юртлари бош бош-
кармаси бошлиги доцент
Т.С. САИДОВ _____
«___» _____ 2006йил

Нафас олиш аъзоларини касалликлари
(Рейтинг тизимида таълим олаётган тиббиёт институтлари педиатрия,
даволаш ва тиббий педагогика факультетлари талабалари учун укув-услубий
кулланма)

АНДИЖОН-2006

Ушбу укув - услубий кулланма Андижон Давлат тиббиёт институтининг патологик анатомия кафедраси, суд тиббиёти ва патологик физиология курсида тайёрланган.

ТУЗУВЧИЛАР:

Маматалиева М.А. - Андижон Давлат тиббиёт институти патологик анатомия кафедраси, суд тиббиёти ва патологик физиология курсини ассистенти.

Маматалиев А.Р. т.ф.н. - Андижон Давлат тиббиёт институти патологик анатомия кафедраси, суд тиббиёти ва патологик физиология курсини доценти.

Мамажонов М.А. - Андижон Давлат тиббиёт институти

патологик анатомия кафедраси, суд тиббиёти ва патологик физиология курсини ассистенти.

Ушбу укув - услубий кулланма патологик анатомия фани буйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим Вазирлигининг Мувофиқлаштириш кенгашида куриб чикилиб, тасдиқланган - 2002 йилда нашр этилган намунавий дастурлар (5720100-даволаш иши ва 5720200-педиатрия иши таълим йуналишлари) асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу укув – услубий кулланма АДТИ патологик анатомия кафедраси, суд тиббиёти ва патологик физиология курсининг мудир, т.ф.д., профессор Чурикова А.С. тахрири остида тайёрланган.

Такризчилар:

1.Исроилов Р.И. – т.ф.д., профессор, Тошкент тиббиёт академиясининг патологик анатомия кафедрасининг мудир.

2. Мамадов Ю.М. - т.ф.д., профессор, Андижон Давлат тиббиёт институти клиник фармакология кафедрасининг мудир.

Курс булими:

Нафас олиш аъзоларини касалликлари

Машгулотни мавзуси:

Уткир пневмониялар

Машгулотни максади:

Талабалар - уткир пневмонияларни этиологияси, патогенези, патоморфологияси, морфогенезини, уларни оғирлашувларини, тугалланишини ва бошқа жараёнлардан морфологик характеристикасига асосланиб фарқлашни билишлари керак.

Машгулотни вазифалари:

Талабалар - уткир пневмонияни таърифи ва турларини, асосий этиологик омиллари ва патогенезини звеноларини аниқлашни, крупоз пневмонияни босқичларини морфологик суръатига асосланиб дифференцировка қилишни, бронхопневмонияларни турли шакллари аниқлашни, уткир пневмонияларни турли хил қуринишларидаги оғирлашувларини ва яқунланишларини аниқлаш ва баҳолашни бажара олишлари керак.

Тарбиявий максади: Булгуси шифокор касби учун зарур хусусиятлар: чидамлилиқ, беморларга эътиборлилиқ, деонтология элементларини, ватанпарварликни тарбиялаш.

Машгулотнинг бошқа фанлар билан боғланиши

Келиб чиқиши	Машгулот номи	Чиқиш
1.Биология кафедраси 2.Гистология кафедраси 3.Биокимё кафедраси 4.Одам анатомияси кафедраси 5.Нормал физиология кафедраси.	Нафас олиш аъзоларини касалликлари. Уткир пневмониялар	Даволаш ва педиатрия факультетларининг клиник кафедралари (жаррохлик, терапевтик, акушер-гинекологик йуналишлар-даги кафедралар) ва б.

Кириш.

КРУПОЗ ПНЕВМОНИЯ

Крупоз (лобар) пневмония – бу упкани уткир инфекцион – аллергик касаллиги булиб, жараёнга бир ёки бир неча упка булаклари, плевра жалб булиб, уларда фибриноз яллигланиш ривожланади.

Этиологияси – уни купрок пневмококкларни 1,2,3,7 типлари, фридлендер диплобарциллари гемофил таёкчаси, клебсиеллалар, стрептококклар, ичак ва кук йиринг тайёкчалари стафилококклар протей ва б. келтириб чикаради.

Патогенези: Купрок урта яшар эркалар касалланади, хал килувчи омил (совук котиши, шикастланиши) ва кузгатувчига сенсibiliзация пайдо булганда, аутоинфекцион касаллик сифатида (ута сезгирликни аста- секин намоён булиши, гиперергик реакция куринишида) намоён булади.

Патологик анатомияси: Крупоз пневмонияни кечишидаги морфологик узгаришлар 4 боскичда боради.

1-боскич «куйилиш» 2-боскич «кизил жигарланиш» 3-боскич «кулранг жигарланиш боскичи» 4-боскич «хал этилиш» боскичи

1-боскичи сутка давом этади, бунда упка тукумасида кескин гиперемия капиллярлар уткузувчанлигини ортиши, яллигланиш ишини хосил булиши, альвеола бушлигида эритроцитларни диапедези оз микдорда нейтрофилларни куп микдорда кузгатувчини купаийш юз беради. Макроскопик упка зичлашади, кескин тулаконли булади.

2-боскичи яллигланиш гиперемия фонида альвеолалар бушлигига эритроцитларни диапедези кучаяди, уларга нейтрофиллар кушилади. Фибрин толалари альвеолалар бушлигига утиради. Якунида гиперемия сусаяди, эритроцитларни диапедези тухтайди, эритроцитлар гемолизланади ва парчаланади. Макроскопик – упка булаг катталашган диафрагма ва кобиргача кадалган (улардан из колади), жигарсимон зичлашган, кесим юзаси жигарранг кизгиш, донатор булади. Бу боскич 2-4 кун давом этиб, фибриноз - геморраргик яллигланиш билан намоён булади.

3-боскичи: 4-6 кундан – 11 кунгача давом этиб, упка тукумасида фибриноз – йирингли яллигланиш булиши билан характерланади. Бу боскичда гиперемия камаяди, эритроцитларни гемолизи кучаяди, емирилаётган пневмококклар макрофаглар томонидан фагоцитланади. Нейтрофилларни фибринолитик хусусияти ортади. Макроскопик упка катталашган, зичлашган юзаси фибриноз караш билан копланган, кесилганда юзаси майда донатор, кул ранг (лойка суюклик ажралади, кейинчалик саргиш кулранг тус олади).

4- боскичи: «хал этилиш даври». Лейкоцитлар семиради, некробиотик узгаради ва емирилади. Емирилганда ажралган протеолитик ферментлари фибрин толаларини парчалайди, юмшатади, экссудат суюкланади, упкани хажми кичраяди, консистенцияси юмшайди. Суюклашган экссудат лимфа томирлари ва интраканаликуляр (балгам) йул оркали тозаланади.

Крупоз пневмониядаги **умумий узгаришлар:** паренхиматоз аъзоларда тулаконлилик, дистрофик узгаришлар, талок ва суяк кумигида гиперплазия, томирлар атрофида лейкоцитар инфильтрация, ганглиоз хужайраларда дистрофик узгаришлар, лейкоцитар инфильтрация, гиперемия кузатилади.

Крупоз пневмонияни огирлашувлари: упкадаги ва упкадан т ашкаридаги огирлашувларга булинади.

Упкадан огирлашувлари нейтрофилларни фибринолитик функциясини бузилиши билан боглик булиб - карнификация, абсцесс, гангрена, эмпиема билан намоён булади. Упкадан ташкаридаги огирлашувлари кузгатувчини бошка тукумаларга лимфо – ва гематоген таркалишига боглик булади.

Карнификация: (итальянча – сарпо - гушт, эт) альвеолалардаги фибриноз экссудатни уюшишидан (томирлардаги тромбдагидек) томирларга бой бириктирувчи тукума хосил булишидан иборат. Макроскопик упка зичлашади, гуштсимон консистенция олади.

Йиринг бойлаш: кулранг жигарланиш ва хал этилиши боскичларида альвеола бушлигида деворида, оралик тукумасида куплаб лейкоцитлар тупланади. Ушбу тукумаларда йиринг тула бушлик (абсцесс) лар хосил булади, баъзан улар бронхлар оркали чикиб кетиб, битиб кетади, баъзан аъзо лимфаденит, медиастинит эмпиемаларга олиб боради.

Гангрена: некрозланган тукумага чиритувчи микроорганизмлар (дуксимон калтакчалар, Винцент спирохеталари, фузоспирохетоз) кириши билан боглик. Упка тукумаси макроскопик юмшаган, кора ёки ерсимон – енгил, осон парчаланувчан, бадбуй хидли булади. Микроскопик детрит масса кузгатувчилар топилади.

Крупоз пневмонияни упкадан ташкаридаги асоратлари.

Перикардитлар (фибриноз, фибриноз – йирингли) инфекция гематоген таркаганда келиб чиқади. «Сочли юрак» манзараси кузатилади. Купинча болаларда пневмококкли сепсис юзага келиб, у фибриноз – йирингли перитонитга, чап ёки унг юрак клапанларини ярали эндокардитига, йирингли менингитга, сероз ва йирингли артрит ва б. олиб боради.

Улим сабаблари – интоксикация, юрак етишмаслигидан: жараён кенг таркалганда упка етишмаслигидан, упкадаги (йиринглаш, гангрена) ва упкадан ташкаридаги (эмпиема перикардит, эндокардит, менингит ва б.) огирлашувларидан келиб чиқади.

Учогли пневмония (Бронхопневмония)

Бронхит ёки бронхлит билан боглик булган упка тукумасини яллигланишига учогли пневмония (бронхопневмония). Уни турлари: 1) миллиар (альвеолит) 2) ацинар 3) лобар 4) кушилувчи лобар 5) сегментлар 6) полисегментар

Этиологияси: Учогли пневмонияни турли хил микроорганизмлар (пневмококклар, ичак таёкчалари, Фридлендер пневмобациллеси, стафилококклар, вируслар, замбуруглар ва б.), экзо – ва эндоген келиб чиқишли кимёвий моддалар (уремияда – сийдик кислота тузлари, липидлар, турли хил чанглар ва б.),м физик омиллар (радиация, хароратни пасайиши ва б.), кон айланишларини бузилишлари ва б. келтириб чиқаради.

Патологиканатомияси: Хар кандай учогли пневмонияда уткир бронхит ёки бронхиолит бирламчи юзага келиб, у сероз шилимшикли, йирингли, аралаш каторал яллигланиш билан намоён булади. Бунда шиллик катлам шишган, тулакони, безлари гиперсекрецияланган, коповчи эпителийси кучиб тушган булади. Бронхларни дренаж функцияси бузилади. Яллигланиш упкани орка ва орка пастки сегментларида (П, У1, УШ,1Х, Х) юзага келиб кесилганда зичлашган, кулранг кизгиш рангда булади. Альвеолалар бушлигида куп микдорда шилимшик аралаш нейтрофиллар, макрофаглар, эритроцитлар кучиб тушган альвеоляр эпителий, баъзан оз микдорда фибрин булади. Экссудат альвеолаларда нотекис таркалади. Янги тугилган чакалоқларда – альвеолалар юзасида фибрин утириб, зичлашади, («гиалин мембрана»). 1-2 ёшгача (кучсиз болаларда) – учог умуртка ёнидаги орка сегментларда (П, У1, ва Х учрайди) ва уни паравертебрал пневмония дейилади.

Огирлашувлари: (пневмония учогига боглик булади): Карнификация, йиринглаш, абсцесс, плеврит. **Улим** – йиринглашдан, йирингли плевритдан булади.

ОРАЛИК (ИНТЕРСТИЦИАЛ) ПНЕВМОНИЯ ЁКИ ПНЕВМОНИТ

Яллигланиш оралик тукумада: перибронхиол, булаклар ва альвеолалар аро тукумада булади. Кечиши уткир ва сурункали булади.

Этиологияси: уни йиринглатувчи бактериялар, замбуруглар, вируслар ва бошқалар чакиради.

Перибронхиол пневмония – кизамик гриппдан кейин кузатилади. Яллигланиш бронхлар деворидан бронхлар атрофи тукумасига ва лимфа томирлари оркали альвеолалар аро тусикка таркайди, улар калинлашади (экссудатда альвеоляр макрофаглар нейтрофиллар булади).

Булаклар аро пневмония – стафилококк, стрептококк, инфекциялари упка паренхимаси ёки плевра оркали булаклар аро тусик тукумасигна таркаб уларни катламларга ажрашига, флегмоноз яллигланиш булишига олиб боради. Сурункали

кечганда шикастланган жойларда дагал бириктирувчи тукима хосил булади, у перилобуляр фиброзга булакни эзилишига, ателектазига кейинчалик эса пневмоциррозларга олиб боради.

Альвеолаларо аро пневмония: хар кандай уткир пневмониядан кейин уткир кечиб, ривожланиши мумкин. Сурункали кечганда упкани интерстициал касалликлари келиб чиқади.

ДАСТЛАБКИ ЖОРИЙ НАЗОРАТ

(билимни дастлабки даражасини текшириш ва аудиториядан ташкари мустикил тайёргарлигини натижалари буйича коррекция килиш).

Аудиториядан ташкаридаги мустикил тайёргарлик учун назорат саволлари:

1. Крупоз пневмонияни - этиологияси, патогенези, огирлашувлари
2. Крупоз пневмонияни упка ва упкадан ташкаридаги огирлашувлари
3. Крупоз пневмониядаги беморларнинг улим сабаблари
4. Учогли пневмония (бронхопневмония) – этиологияси, патогенези, турлари
5. Учогли пневмониядаги огирлашувлар ва беморларни улимни сабаблари

Доимий текшириш: мустикил тайёргарлик учун берилган саволлар асосида утказилади.

Дарсинг жихозлаш:

- 1.Микроскоплар – 6та.
- 2.Микропрепаратлар – 10та (3 хил).
- 3.Макропрепаратлар – 6та (4 хил).
4. Таблицаалар – 6та.
- 5.Компютер презентацияси – 1та.
- 6.Талабалар учун укув-услугий кулланма
- 7.Слайдлар, диапозитивлар, атласлар ва диапроректорлар.

Амалий машгулотни утказиш хронологик харитаси

№	Машгулот тартиби	135 (мин.)	Гурухлардаги талабалар сони
1	Машгулотни ташкилий кисми	5	11-12 талаба
2	Талабаларни бошлангич (мустикил тайёргарлигини) билимини мавзу саволларига асосланиб текшириш: Ёзма: Огзаки	15 30	_*_
Машгулотнинг амалий кисмининг тахлили			
3	Машгулотнинг амалий кисмини (макро-микропрепаратларни, таблица ва слайдларни, компютер презентацияларини) намойиш килиш	30	_*_
4	Укув хонасида талабаларни мустикил ишлари (макропрепаратларни укув харита ва йуналтирувчи асос ёрдамида ва укув кулланмалари оркали урганиш, микропрепаратларни микроскоп ва атлас билан ишлаш, таблицаалардан фойдаланиш.)	30	_*_
5	Материални узлаштириш даражасини бахолашда ситуацион масаларини ечиш, «ёзувсиз» препаратларни сураш, услубий кулланмани текшириш, бахолаш.	15	_*_
6	Машгулотни якунлаш	10	_*_

Амалий машгулотни укув харитаси

(Талабаларни мустакил аудитория иши учун).

1. Макропрепаратларни ўрганиш учун вазифа ва уни амалга ошириш боскичлари

Аъзонинг макроскопик тавсифи	Патологик учогни макроскопик тавсифи	Хулоса
1.Аъзо шакли ва улчами узгаришини. 2.Аъзо юзасини, кесилгандаги ранги ва суръатини характерлаш. 3.Ичи буш аъзоларни девори ва бушлиги улчамларини тузилиши, коповчи пардасини холатини белгилаш.	1.Патологик учогни жойлашувини, улчамларини (см.), тузилишини, рангини, чегарасини белгилаш. 2.Патологик жараёни ифодалаш. 3.Касалликда учрашини белгилаш. 4.Жараёни морфологик динамика-сини ифодалаш. 5.Жараёнларни характерлайдиган микроскопик белгиларни ифодалаш.	1.Аникланган узгаришларга тегишли булган нозология хакида хулоса бериш.

Макропрепаратларни ёзиш.

1. Учогли пневмония

2. Крупоз пневмония «кулранг жигарланиш» боскичи

II.Микропрепаратларни урганишдаги харакатларни йуналтирувчи асоси

Препаратни сиртдан куриш	Препаратни кичик катталаштириш ёрдамида куриш	Препаратни катталаштирилган холда урганиш	Препаратни чизиш	Расмни белгилаш	Хулоса
Куролланма-ган кузга куринган тузилиш узгаришларни: учоглар, турли катламлар, ранги билан фаркланадиган жойларни, кейинчалик шу жойларни микроскопда куриш учун	Тукимани кайси усул билан буялганлигини, кайси тукимадан эканлигини тузилиш узгаришлари характерини аниклаш.	Тузилишидаги морфологик узгаришлар тафсилотларини (ядро, цитоплазма, стромаларни) аниклаш.	Услубий кулланмага микропрепаратларни номини ёзиш, ушбу патологик жараёни характерловчи тузилиш узгаришларини чизиш.	Шу патологик жараёни характерловчи узгаришларни курсаткич ёрдамида белгилаш	Аникланган узгаришларга тегишли булган нозология хакида хулоса бериш.

аниклаш.					
----------	--	--	--	--	--

Микропрепаратларни урганиш ва чизиш:

Учоғли пневмония

(Гематоксин - эозин билан буялган)

1.Йирингли экссудатга билан тулган бронх бушлиги

2. Альвеолалар бушлигидаги йирингли экссудат

Карнификацияланувчи пневмония

(Гематоксин - эозин билан буялган)

1.Фибриноз экссудатни бириктирувчи тукимага алмашинуви

Намойиш килинадиган макропрепаратлар:

1. Крупоз пневмония
2. Оралик пневмония

Намойиш килинадиган микропрепаратлар:

1. Крупоз пневмония

Макропрепаратлар ва микропрепаратларнинг компьютер презентацияларида ва микроскопик урганишларда - «думалок стол» усулини куллаб, хар бир талабанинг жавоби тугри-нотугри эканлиги текширилиб билим даражаси бахоланади, муаммони хал килишда «боскичма-боскич» усулини куллаб, ушбу мавзудаги патология муаммолари аникланади, у: 1-боскичда муаммони аниклаш (патологик узгарган тукима ёки аъзонинг нормал куринишини эслашга), 2-боскичда - маълумотни топиш (юзага келган патологияни аниклашга), 3-боскичда олинган маълумотларни амалиётда–клиникада (турли патологик ҳолатларда ёки касалликларда) қулланилади.

III. Амалий машгулотда ечиш учун тестлар:

1.Крупоз пневмониянинг асосий патогенетик звеносини курсатинг:

- * ута сезувчанликнинг сусткор типи фонидаги яллигланиш
- * гиперергия фонидаги яллигланиш
- * тургунлик фонида ривожланадиган яллигланиш
- * бронхлар шикастланиши натижасидаги яллигланиш

*ута сезувчанликнинг тезкор типи фонидаги яллигланиш

2.Крупоз пневмонияда куйилиш боскичининг ривожланиш вақтини курсатинг:

- * 2 кун мобайнида
- * 4-6 кун мобайнида

* 1 кун мобайнида

- * 9-10 кун мобайнида
- * 20-21 кун мобайнида

3.Крупоз пневмониянинг иккинчи боскичидаги экссудатнинг таркиби кандай?

*фибрин, эритроцитлар

- * фибрин, лейкоцитлар
- * сероз экссудат
- * шиликли экссудат
- * геморрагик экссудат

4. Крупоз пневмониянинг учинчи боскичида экссудат таркиби кандай?

- * фибрин, эритроцитлар
- *фибрин, лейкоцитлар
- * сероз экссудат

- * шиликли экссудат
- * геморрагик экссудат

5.Крупоз пневмонияда улим сабабини курсатинг:

***упка-юрак етишмовчилиги**

- * юрак нуксони
- * асфиксия
- * кахексия
- * упка артериясининг тромбоэмболияси

6.Крупоз зотилжамнинг кайта тикланиш боскичини характерлаб беринг:

- * гиперемия, микробли шиш
- ***фибриннинг эриши ва сурилиши**
- * эритроцитлар диапедези, фибрин борлиги
- * фибрин борлиги ва полинуклеар лейкоцитлар
- * фибриннинг шаклланиши

7. Таркалишига кура учокли пневмония булиши мумкин:

- * булакчали
- * ацинар
- * сегментар
- * полисегментар
- ***хамма жавоблар тугри**

8.Стафилококкли пневмонияга хос морфологик узгаришларни айтинг:

***некротизация ва йиринглаш учоги**

- * фибриноз экссудат
- * геморрагик экссудат
- * казеоз некротизация учоги
- * фибриноз-геморрагик экссудат

9.Оралик пневмониянинг синонимини айтинг интерстициал

- * бронхопневмония
- * булакчали
- * плевропневмония
- * булакли

10.Учокли пневмонияга хос морфологик белгини курсатинг

- * упка булагининг шикастланиши
- ***уткир бронхит ва бронхиолитнинг булиши**
- * плевранинг шикастланиши
- * альвеолаларда фибриноз экссудат булиши
- * экссудатнинг казеоз некрози

11.Кайси касаллик перибронхиал пневмония билан асоратланади?

- * гипертоник касаллик
- * ревматизм
- * **кисамик**
- * атеросклероз
- * корин тифи

12. Булакчалараро пневмониянинг ёмон окибатини курсатинг:

- * упка инфаркти
- * упка абсцесси
- * упкада петрификатлар
- ***перилобуляр фиброз, упка циррози**
- * упка кавернаси

13.Крупоз пневмониянинг синонимини айтинг:

- 1.фибриноз

- 2.булакли
- 3.геморрагик
- 4.казеоз
- 5.абсцедирловчи

* 1;3; * **1;2;** * 3;4; * 3;5; * 4;5;

14.Крупоз пневмониянинг кузгатувчисини айтинг:

- 1.пневмококк
- 2.стрептококк
- 3.стафилококк
- 4.Фридлендер таёкчаси
- 5.гонококк

* 1, 2, * **1, 4,** * 2;3; * 2;5; * 3;5;

15. Крупоз пневмониянинг боскичларини айтинг:

- 1.кулранг жигарланиш
- 2.кизил жигарланиш
- 3.куйилиш
- 4.ремисия
- 5.абсцедирланиш

* 1;3;4; * 3;4; * 4;5; * **1;2;3;** * 1;5;

16. Крупоз пневмонияни иккинчи ва учинчи боскичини айтинг

- 1.кизил жигарланиш
- 2.кулранг жигарланиш
- 3.куйилиш
- 4.ремиссия
- 5.кайта тикланиш

* **1;2;** * 2;3; * 3;4; * 3;5; * 4;5;

17. Крупоз пневмонияни биринчи ва туртинчи боскичини айтинг:

- 1.кулранг жигарланиш
- 2.кизил жигарланиш
- 3.куйилиш
- 4.ремиссия
- 5.кайта тикланиш

* 1;2; * **3;5;** * 2;3; * 4;5; * 1;4;

18.Крупоз пневмониянинг морфологик белгисини айтинг:

- 1.упка булагининг шикастланиши
- 2.жараёнга плеврани кушилиши
- 3.альвеолаларда йирингли экссудатни булиши
- 4.экссудатнинг казеоз некрози
- 5.альвеолаларда сероз экссудатни булиши

* 3;4; * 2;4; * 4;5; * **1;2;** * 2;5;

19.Фридлендер диплококки бацилласи билан кузгатишган крупоз пневмониядаги экссудатнинг таркиби қандай ?

- 1.сероз экссудат
- 2.фибрин-эритроцитлар
- 3.шилимшик
- 4.полинуклеар лейкоцитлар
- 5.лимфоцитлар

* 1;2;3 * 1;5; * 3;5; * 4;5; * **2;3;4;**

20. Крупоз пневмониянинг упкага хос асоратларини айтинг:

- 1.перитонит
- 2.эндокардит
- 3.упка гангренази

4.медиастенит

5.йирингли плеврит

* 1;2; * 1;4; *3;5; * 2;4; * 2;5;

21. Крупоз пневмонияни упкадан ташкари асоратларини айтинг:

1.абсцессланиш

2.карнификацияланиш

3.упка гангренази

4.йирингли менингит

5.йирингли медиастенит

* 1;2; * 2;3; * 1;3; *4;5; * 1;4;

22. Крупоз пневмониянинг упкадан ташкари асоратларини курсатинг:

1.йирингли артрит

2.упка гангренази

3.бош мия абсцесси

4.абсцессланиш

5.перитонит

* 1;2;3 * 2;3;4 * 2;4; * 4;5; *1;3;5;

23.Этиологиясига кура учокли пневмониянинг турларини курсатинг

1.аллергик

2.вирусли

3.пневмококкли

4.аспирационн

5.стафилакоккли

* 1;3;5; * 3;4; *2;3;5; * 2;5; * 1;5;

24. Патогенезига кура учокли пневмониянинг турларини курсатинг

1.септик

2.аспирацион

3.гипостатик

4.липид

5.ташрихдан сунги

* 1;3;5; * 3;4; * 2;5; *2;3;5; * 1;5;

25.Крупоз пневмониянинг 2-чи боскичидаги упканинг макроскопик узгаришларини айтинг:

1.зич, кескин тулакони

2.тук кизил, жигар зичлигида

3.фибриноз плеврит

4.кул ранг, жигар зичлигида

5.куп кул ранг донатор каттик учоклар

* 1, 3 *2, 3 * 1, 4 * 2, 4 * 1, 5

26.Крупоз пневмониянинг 3-чи боскичидаги упканинг макроскопик узгаришларини айтинг:

1.зич, кескин тулакони

2.тук кизил, жигар зичлигида

3.фибриноз плеврит

4.кул ранг, жигар зичлигида

5.куп кул ранг донатор каттик учоклар

* 1, 3 *2, 3 *3, 4 * 2, 4 * 1, 5

27.Крупоз пневмониянинг узига хос морфологик хусусиятини курсатинг:

1.булак шикастланиши

2.казеоз некроз экссудатнинг борлиги

3.фибриноз плеврит борлиги

4.уткир бронхит ва бронхиолит булиши

5.альвеолаларда фибриноз экссудат булиши
* 1, 2,3 * 2, 3,4 * 1, 4,5 * 2, 3,5 *1, 3,5

28. Фридлендер диплобациллеси билан чакирилган крупоз пневмониянинг экссудат таркиби кандай?

- 1.серозли экссудат
- 2.фибрин, эритроцитлар
- 3.шиллик
- 4.полинуклеар лейкоцитлар
- 5.лимфоцитлар

* 1, 2,3 *2, 3,4 * 1, 4,5 * 2, 3,5 * 1, 3,5

29. Крупоз пневмонияда инфекциянинг лимфоген таркалишидаги упкадан ташкари асоратларини айтинг:

- 1.йирингли медиастенит
- 2.йирингли перикардит
- 3.бош мия абсцесси
- 4.йирингли менингит
- 5 йирингли артрит

*1, 2 * 2, 3 * 1, 4 * 2, 4 * 1, 5

30.Крупоз пневмонияда инфекциянинг гематоген таркалишидаги упкадан ташкари асоратларини айтинг:

- 1.йирингли медиастенит
- 2.перитонит
- 3.уткир ярали эндокардит
- 4.йирингли менингит
- 5.упка абсцесси

* 1, 2,3 *2, 3,4 * 1, 4,5 * 2, 3,5 * 1, 3,5

31.Крупоз пневмонияда инфекциянинг гематоген таркалишидаги упкадан ташкари асоратларини айтинг:

- 1.йирингли медиастенит
- 2.йирингли артрит
- 3.упка абсцесси
- 4.бош мия абсцесси
- 5.йирингли перикардит

* 1, 3 * 2, 3 * 1, 4 *2, 4 * 1, 5

32.Учокли пневмонияда ривожланадиган уткир бронхитдаги катарал яллигланишнинг турларини айтинг:

- 1.фибриноз
- 2.йирингли
- 3.шилликли
- 4.сероз
- 5.аралаш

* 1, 2 * 1, 2,3 * 1, 2,3,4 *2, 3,4,5 * 1, 3,4,5

33. Качон учокли пневмонияни мустакил касаллик деб курса булади?

- 1.карияларда
- 2.ташрихдан сунгги холатда
- 3.иммун танкислик холатида
- 4.энди тугилган чакалокларда
- 5.аутоинфекцияларда

* 1, 3 * 2, 3 *1, 4 * 2, 4 * 1, 5

34. Бронхопневмониянинг упкага хос асоратларини айтинг;

- 1.плеврит
- 2.карнификация

- 3.медиастенит
- 4.менингит
- 5.упка абсцесси

* 1, 2,3 * 2, 3,4 * 1, 4,5 * 2, 3,5 *1, 2,5

35. Оралик пневмониянинг турини айтинг;

- 1.альвеолалараро
- 2.полисегментар
- 3.перибронхиал
- 4.плевропневмония
- 5.булаклараро

* 1, 2,3 * 2, 3,4 * 1, 4,5 * 2, 3,5 *1, 3,5

Амалий машгулотда ечиш учун масалалар:

1. «Уткир корин» ходисаси билан 27 ёшли бемор жаррохлик булимига келтирилди. Жаррохлик аралашув натижасида «перитонит» ташхиси қўйилди, лекин перитонитдан ташқари «Кулранг жигарланиш босқичидаги икки томонлама крупоз пневмония» ташхиси ҳам қўйилди. Патологик жараёни тушинтиринг?

2.46 ёшли бемор онкодиспансерга нафас олишини қийинлаштириш, хансираш, «ёт танани сезиш», холсизланиш шикоятлари билан келди. Клиник ташхиси «Хиқилдок раки». 3 кундан сунг бемор улди. Жасад ёрилганда кизилунгачнинг хиқилдокка ушиб қирган раки, икки томонлама учогли пневмония (сероз – йирингли) топилди. Патологик жараёни тушинтиринг?

3.2 ёшли бемор бола онкодиспансерда «жаг ости соҳасини лимфангиомаси» муносабати билан ташрих қилинди. Ташрихдан 12 соат утганидан сунг бемор вафот этди. Жасад ёрилганда 2 томонлама қушилувчи учогли пневмония аниқланди. Ўзгаришларни тушинтиринг?

Тестлар ва вазиятли масалалар ечишда янги педагогик технологиянинг интерактив усулларида «мия штурми» услубида жавоблар олинали: бунда талабалар томонидан қўлаб жавоб ва гоёлар уртага ташланади, ўқитувчи қисқа муддат ичида талабаларнинг амалий машгулотга тайёргарлиги ҳақидаги маълумотларни йиғади.

1У. Ушбу мавзу юзасидан талабалар илмий ғамияти бўйича вазифалар:

Қуйидаги мавзуларнинг бирига маъруза тайёрланг.

- 1.Упканинг анатомия, гистология ва физиологияси.
- 2.Упкада кечадиган биокимёвий жараёнлар.
- 3.Ринит – этио-патогенези,патологик анатомияси, оқибати.
- 4.Нафас олиш йўллариининг яхши сифатли усмалари
- 5.Нафас олиш йўллариининг ёмон сифатли усмалари

У.Мавзуни ўзлаштиришни текшириш учун саволлар:

1. Крупоз пневмонияни – патогенезини тушинтиринг.
2. Крупоз пневмонияни упкадан ташқаридаги оғирлашувларини айтинг.
3. Крупоз пневмониядаги улим сабабларини айтинг.
4. Учогли пневмонияни – турларини айтинг.
5. Учогли пневмониядаги улим сабабларини айтинг.

МАШГУЛОТ УЧУН ЖОРИЙ НАЗОРАТ

(билимни яқуний даражасини текшириш ва коррекция қилиш)

Машгулот учун рейтинг бали:

- | | |
|--------------------------|----------------------------|
| 1.Назарий билимига:_____ | 2.Амалий қўникмасига:_____ |
| Жами:_____ | Ўқитувчининг имзоси:_____ |

АДАБИЁТЛАР:

1. **М.С. Абдуллахужаева. Одам патологияси асослари.** Тошкент. Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашр. 1998. П-кисм. 223-254б.
2. **Патологическая анатомия (курс лекций). П/р. академика РАМН В.В.Серова, академика РАН и РАМН М.А.Пальцева.** М.Москва.1998.
3. **А.И.Струков и др. Патологическая анатомия.** М.: Мед. 1985. 15-31С.
4. **В.А.Алимов, З.З.Эгамбердиева. Патологик анатомиядан кулланма** Тошкент. Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашр. 1993. 116-121б.
5. **Патологик анатомия фани буйича компьютер тест назорат дастурлари. 1-ТошДавТИ** (патологик анатомия кафедраси). 2002 йил.
6. **Я.Ярыгин Атлас патологической анатомии.** М.: Медицина. 1986. 264-268с.
7. **В.В.Серов и др. Руководство к практическим занятиям по патологической анатомии** М.: Мед., 1987. 313-325С.

Курс булими:

Нафас олиш аъзоларини касалликлари

Машгулот мавзуси: Упканинг сурункали носпецифик касалликлари (УСНК)

Машгулотни мақсади:

Талабалар - УСНК-ларини этиологияси, патогенези, патоморфологиясини, уларни оғирлашувларини, тугалланишини ва бошқа патологик жараёнлардан морфологик характеристикасига асосланиб фарқлашни билишлари керак.

Машгулотни вазифалари:

Талабалар - УСНК-ларни таърифи ва турларини, асосий этиологик омиллари ва патогенезини звеноларини аниқлашни, касалликни морфологик суръатига асосланиб дифференцировка қилишни, УСНК турли хил қуринишларидаги оғирлашувларни ва яқунланишларини аниқлаш ва баҳолашни бажара олишлари керак.

Тарбиявий мақсади: Булгуси шифокор касби учун зарур хусусиятлар: чидамлилиқ, беморларга эътиборлилиқ, деонтология элементларини, ватанпарварликни тарбиялаш.

Машгулотнинг бошқа фанлар билан боғланиши

Келиб чиқиши	Машгулот номи	Чиқиш
1.Биология кафедраси 2.Гистология кафедраси 3.Биокимё кафедраси 4.Одам анатомияси кафедраси 5.Нормал физиология кафедраси.	Нафас олиш аъзоларини касалликлари. Упканинг сурункали носпецифик касалликлари (УСНК)	Даволаш ва педиатрия факультетларининг клиник кафедралари (жаррохлик, терапевтик, акушер-гинекологик йуналишлар-даги кафедралар) ва б.

Кириш.

СУРУНКАЛИ БРОНХИТ

Уткир бронхитни кечиши қузилиб кетганда ёки бронхлар шиллик қаватига узок вақт биологик, физик, кимёвий омилларни (микроблар, чекиш, ҳаво йулларини совуқ қотиши, чанг ва бошқаларни) таъсир этиши натижасида бронхларнинг сурункали яллиғланиши келиб чиқади.

Сурункали бронхитда бронхлардаги микроскопик узғаришлар шиллик қаватда сурункали шилимшиқ ва йирингли қатар, безларни кистозли узғаришлари устун туради, қопловчи призматик эпителийнинг қуп қаватли ясси эпителийга метаблазияси, қадахсимон (бақалсимон) ҳужайралар сонини ортиши (қатарал-шилимшиқ ва қатарал йирингли сурункали бронхит) ҳосил бўлиши қузатилади.

Бошқа ҳолларда бронхлар бушлигидан полипларга ухшаб (полипоз сурункали бронхит) буртиб бронхлар деворида, асосан шиллик қаватда қучли намоён бўлган ҳужайра яллиғланиши инфильтрацияси ва грануляцион туқимани ушиб кетиши билан характерланади. Грануляцион туқимани етилиши ва бронхлар деворида бириктирувчи туқимани ушиб натижасида муқкул қавати атрофияланади ва бронхлар деформацияланади (деформацияловчи сурункали бронхит). Сурункали бронхитда бронхларни дренаж вазифаси бузилади.

БРОНХОЭКТАЗЛАР

Бронхларни тугма ёки ҳаёт давомида цилиндр ёки қопсимон қенгайиши бронхоэктазлар дейилади. Бронхлар девори структура элементларининг тартибсиз жойлашуви тугма бронхоэктазларнинг гистологик белгиси ҳисобланади, тугма бронхоэктазлар одатда ичидаги массаларининг йиринглаганида аниқланади. Ҳаёт давомда орттирилган бронхоэктазлар сурункали бронхит натижасидир. Улар тугалланмаган пневмония, ателектаз ва қоллапс учоғларида вужудга келади. Бронхлар ичида йутал давомида қосимни ортиши сурункали яллиғланиш давомида узгарган бронхлар деворига таъсир қилади, натижада девор шикастланган жойида буртиб чиқади, бронхлар бушлиғи қенгайди ва қопсимон бронхоэктазлар ҳосил бўлади. Бронхлар бушлигини диффуз қенгайиши цилиндрсимон бронхоэктазлар дейилади. Бронхоэктаз

бушлиги призматик эпителий билан, баъзан уларнинг метаплазияси натижасидаги куп каватли ясси эпителий билан копланган булади.

Куп булган бронхоэктазларда ва сурункали бронхитдаги обструктив эмфиземада томирлар деворида склероз пайдо булиши натижасида кичик кон айланиш доирасида гипертензия ва унг коринчани гипертрофияси ривожланади (сog- follium). Бронхоэктазлар узок ваqt давом этганда иккиламчи амилоидоз ривожланади.

Бронхоэктазлар мавжудлигида упка ва ундан ташкарида буладиган бутун узгаришлар комплекси бронхоэктатик касаллик деб номланади.

СУРУНКАЛИ АБСЦЕСС

Упканинг сурункали абсцесси уткиридан сунг ривожланади ва уткир бронхопневмония, уткир абсцесслар учрайдиган учокларда яъни унг упканинг II, VI, IX ва X сегментида, баъзан чап упканинг шу булимларида учрайди. Упканинг сурункали абсцессини девори бошка жойда учрайдиган сурункали абсцесс деворидан фарк килмайди. У куйидаги каватлардан иборат: 1.пиоген мембрана; 2.грануляцион тукима; 3. бириктирувчи тукима.

Сурункали абсцесс деворидан упка узаги лимфа окими йуналишида упка тукимасини деформациялайдиган окиш бириктирувчи тукима катламлари хосил булади. Сурункали абсцесс йирингли яллигланишни упкани кушни жойларига бронхоген таркалиши манбаи булиб колади.

СУРУНКАЛИ ПНЕВМОНИЯ

Сурункали пневмония сегмент ёки булак доирасида вужудга келади, лекин аста-секин бронхоген таркалиши натижасида бутун упка ёки иккала упка патологик жараёнга кушилади. Сурункали пневмонияда карнификация ва фиброз учоклари сурункали пневмониоген абсцесс бушликлари билан биргаликда булади.

Сурункали пневмония хусусиятларидан бири хуружи - бронхоэктазлар ва йиринг учоклари мавжудлиги натижасида, лимфа томирлар ва бронхларни дренаж вазифасини бузилиши билан боглангандир. Хуружлар янги яллигланиш учоклари хосил булишига, шикастланган учокларни катталашувига, склеротик узгаришларни тезлашувига, патологик учог ва унинг атрофидаги капиллярларни редукциясига, упка тукимасини деформациясига, обструктив эмфиземага олиб келади.

ПНЕВМОФИБРОЗ ВА ПНЕВМОЦИРРОЗ.

Пневмофиброз йигма тушунча булиб, упкада бириктирувчи тукима ривожланиши билан бирга давом этадиган жараёнларга айтилади.

Пневмофиброз бартараф булмай колган пневмония туфайли карнификация авж олган жойларда, яллигланиш учокларидан лимфа окиб чикадиган йулларда, интралобуляр тусиклар, лимфа томирларининг атрофида перибронхиал ва периваскуляр тукимада ривожланади.

Пневмофиброз зурайиб борганида, бронхит хуружларида, учогли ва диффуз обструктив эмфиземада аста-секин упка тукимасини кайта тузилиши, емирилган тукима урнига альвеолаларни кистасимон кенгайиши ва фиброз майдонларни хосил булиши билан деформацияланиши келиб чикади.

Упкани шикастланишини хамма элементлари: фиброз, эмфизема, деструкция, репарация, кайта тузилиши ва деформация мавжудлигида пневмоцирроз деб аталади.

УПКА ЭМФИЗЕМАСИ

Упка эмфиземаси (грекча emphizema - шишаяпман) деб - упкани куп микдорда хаво саклаши ва упкаларни катталашуви билан борадиган касалликга айтилади.

Эмфиземани куйидаги турлари тафовут килинади (А.И.Струков буйича):

- 1.Сурункали обструктив диффуз
2. Сурункали учокли (перифокал, чандикли)
3. Викар (компенсатор)
4. Бирламчи (идиопатик)
5. Кексаликка алокадор (нообструктив)

6. Оралик.

Абдуллаходжаева М.С. («Одам патологияси асослари») буйича эмфиземалар:

1) везикуляр: а) центрацинар; б) панацинар; в) периацинар (парасептал, субплеврал). Ацинусни периферик кисми ва альвеолалар тусикларида кузатилиб, чегараланган булади.

2) иррегулятор (чандик атрофидаги). Упкани диффуз сурункали обструктив эмфиземаси купрок учрайди.

Этиологияси ва патогенези

Бу тур эмфиземаси ривожланиши сурункали бронхит ва бронхолит ва уларнинг асоратлари - бронхоэктазлар, пневмосклерозлар билан боғлиқдир. Сурункали бронхитда майда бронхлар ва бронхиолалр бушлигида ҳосил буладиган шиллик пробка - вентил механизмини бажаради, яъни нафас олганда у хавони утказади, нафас чиқаришда эса хавони чиқаришга йул қуймайди. Ацинус бушлигини хаво тулдириб кенгайтиради ва обструктив эмфиземага олиб келади. Эмфиземада упканинг эластик ва коллаген асоси (упка стромаси, томирлар девори) иккиламчи шикастланади.

Бошқа УСНК-ларга ухшаб эмфиземада ҳам лейкоцитлар протеазалари. Эластозаси ва коллагеназасини роли аниқланган. Зардоб антипротеазасини наслий етишмовчилиги булганда. Нейтрофиллар лизосомаси таркибига қирувчи бу ферментлар, яллиғланиш учогига чиқарилади ва натижада эластик ва коллаген толалар емирилади.

Патологик анатомияси: упкани улчамлари катталашган, олдинги қирраси билан қуксни қоплаган, шишган, юмшок, пучаймайди, қесилганда гирчиллайди, оқимтир тус олган. Бронхлар девори қалинлашган, эзилганда бушлиқдан шилимшиқ - йирингли экссудат чиқади. Бронхлари шиллик қавати томирлари тулакони, яллиғланиш инфильтратлари ва қуп миқдорда қадохсимон хужайралари билан, майда бронхларнинг мускул қаватида эса нотеқис гипертрофия қузатилади. Агар бронхиолаларда узғаришлар қузатилса, бунда ацинусларни проксимал булими (1 ва II тартибдаги респиратор бронхиолалар) кенгайди ва бу эмфизема **центрацинар** дейилади. Агар яллиғланишдаги узғаришларга асосан йирик бронхлар берилган булса, бутун ацинуслар кенгайди ва буни **панацинар** эмфизема дейилади. Ацинуслар деворини кенгайиши эластик толаларни юпкалашуви ва қузилишига, альвеоляр йулларни кенгайишига, альвеоляр тусикни узғаришига олиб келади. Альвеолалар девори юпкалашиб, туғриланади, альвеолярро тешиқлар кенгайди, қапиллярлар бушаб қолади. Хаво утқазувчи бронхиолалар кенгайди, альвеоляр қопчалар қичиклашади. Бунинг натижасида газ алмашинуви ҳажми қескин қамаяди, упкани вентилицион вазифаси бузилади. Ацинусларни респиратор қисмини қапилляр турлари редукцияланади, бу альвеоляр қапилляр блокни ҳосил булишига олиб боради. Альвеолалар аро қапиллярларда коллаген толалар ушиб кетади, микроқапилляр склероз ривожланади. Бунда янги мосланиш аҳамиятига эга булган, типик булмаган қапиллярлар ҳосил булади.

2.Сурункали учогли эмфизема I-II сегментларда эски сил учоглари, чандикларидан ривожланади (чандикдан ёки перифокал). Учогли эмфизема асосан панацинардир. Бир неча бушлиқлар (пуфаклар) мавжудлигида буллез эмфизема мавжудлиги ҳақида гапирилади. Плевра остида жойлашган пуфаклар плеврани бушлигига тешилиб, спонтан пневмоторакс пуфаклар плевра бушлиги қелтириб чиқаради. Қапилляр шохобчаларни редукцияси чегараланган территорияда булади, шунинг учун перифокал эмфиземада қичик қон айланиш доирасида гипертония қузатилмайди.

3.Викар (компенсатор) эмфизема уткир ва сурункали булади, хусусан упкани уткир кенгайиши упкани бир қисми ёки бошқа упкани олиб ташланганда қузатилади. Бу тур эмфизема қолган туқима элементларини структураларини гипертрофияси ва гиперплазияси билан давом этади.

4.Бирламчи (идиопатик) панацинар эмфизема жуда кам учрайди, этиологияси аникланмаган, морфологияси альвеоляр деворни атрофияси, капилляр деворни редукияси ва кичик кон айланиш доирасини гипертонияси билан намоён булади.

5.Карилик эмфиземаси упкани ёш утиши билан богланган инволюциясида ривожланадиган обструктив эмфизема сифатида курилади. Шунинг учун уни кариялардаги эмфизема дейилса тугри буларди.

6.Оралик эмфизема: Касалларда йутал харакатини кучайишидаги альвеолаларни ёрилишидан упканинг оралик тукумасига хавони кириши билан оралик эмфизема ривожланади. Хаво пуфакчалари кукс тукумаси буйлаб, буйин ва юзни тери ости клетчаткаси буйлаб таркалиши мумкин (тери ости эмфиземаси). Хаво билан шишган терини эзилганда характерли гичирлаш (крепитация) эшитилади.

ДАСТЛАБКИ ЖОРИЙ НАЗОРАТ

(билимни дастлабки даражасини текшириш ва аудиториядан ташкари мустикал тайёргарлигини натижалари буйича коррекция килиш).

Аудиториядан ташкаридаги мустикал тайёргарлик учун назорат саволлари:

1. УСНК турлари, этио - патогенези
2. Сурункали бронхит – этио - патогенези, морфологияси, турлари, тугалланиши.
3. Бронхоэктазлар-этио - патогенези, морфологияси, турлари тугалланиши
4. Сурункали абсцесс – этио - патогенези, морфологияси, тугалланиши
5. Пневмофиброз ва пневмоцирроз – этио - патогенези, морфологияси, турлари, тугалланиши.
6. Сурункали пневмония – этио - патогенези, морфологияси, тугалланиши.
7. Упка эмфиземаси – этио - патогенези, морфологияси, турлари, тугалланиши
8. Упканинг интерстицитал касаллиги – этио - патогенези, морфологияси, турлари, тугалланиши.
9. Упка раки – тушунчаси, турлари, морфологияси.

Доимий текшириш: мустикал тайёргарлик учун берилган саволлар асосида утказилади.

Дарсинг жихозлаш:

- 1.Микроскоплар – 6та.
- 2.Микропрепаратлар – 10та (3 хил).
- 3.Макропрепаратлар – 6та (4 хил).
4. Таблицаалар – 6та.
- 5.Компютер презентацияси – 1та.
- 6.Талабалар учун укув-услугий кулланма
- 7.Слайдлар, диапозитивлар, атласлар ва диапроректорлар.

Амалий машгулотни утказиш хронологик харитаси
(олдинги мавзуда каранг).

Амалий машгулотни укув харитаси
(Талабаларни мустикал аудитория иши учун).

Макропрепаратларни ёзиш.

1. Бронхоэктазлар билан сурункали бронхит.

2. «Упка юрак»

Намойиш килинадиган макропрепаратлар:

1. Упканинг буллез эмфиземаси
2. Оралик эмфизема
2. Бронх раки
3. Упканинг массив раки

II. Микропрепаратларни урганишдаги ҳаракатларни йуналтирувчи асоси (олдинги мавзуда берилган).

Микропрепаратларни урганиш ва чизиш:

Сурункали бронхит

(гематоксилин-эозин билан буялган)


1. Бронх бушлиги кенгайган
2. Шиллик катламни некрози ва йирингли емирилиши
3. Бронхлар деворини лейкоцитлар билан диффуз инфильтрациялашуви.
4. Перибронхиал туқимани тулаконилиги ва склерози



Упка эмфиземаси

(гематоксилин-эозин билан буялган)

1. Альвеолалар деворини юпкалашуви
2. Томирлар деворини склерози



Намойиш килинадиган микропрепаратлар:

1. Сурункали пневмония
2. Упка раки

Макропрепаратлар ва микропрепаратларнинг компьютер презентацияларида ва микроскопик урганишларда - «думалок стол» усулини куллаб, ҳар бир талабанинг жавоби тугри-нотугри эканлиги текширилиб билим даражаси баҳоланади, муаммони ҳал қилишда «босқичма-босқич» усулини куллаб, ушбу мавзудаги патология муаммолари аникланади, у: 1-босқичда муаммони аниклаш (патологик узгарган туқима ёки аъзонинг нормал қурилишини эслашга), 2-босқичда - маълумотни топиш (юзага келган патологияни аниклашга), 3-босқичда олинган маълумотларни амалиётда–клиникада (турли патологик ҳолатларда ёки касалликларда) қулланилади.

III. Амалий машғулотда ечиш учун тестлар:

1. УСНКда купрок ривожланади?

1. ателектаз, каверналар

2. гранулематоз, усмага айланиши
3. кунгир индурация
4. склероз, эмфизема
5. кон қуйилишлари. инфарктлар

2. Сурункали бронхит турини таъкидланг?

1. гранулематоз, интерстициал

2. полипоз, катарал

3. абсцессга айланувчи, геморрагик
4. катарал, сероз
5. некротик, дескваматив

3.Упка эмфиземасини микроскопик характеристикаси?

- 1.окиш, зичлашган
- 2.кунгир индурация
- 3.тук-кизгиш учоглар
- 4.хавоилиги ортган, усмага айланган

5.окиш, катталашган, эластиклиги пасайган.

4.Сурункали бронхитдаги макроскопик узгаришларга характеристика беринг:

- 1.девори калинлашган, некроз ва яллигланишлар билан
- 2.бушлигида йиринг, деворида гранулема
- 3.геморраргик яллигланиш
- 4.эпителийси малигнизацияланган

5.девори калинлашган ва деформацияланган.

5.Бронхоэктатик касаллик учун характерли огирлашув?

- 1.кунгир индурация
- 2.септицемия, абсцесслар

3.амилоидоз, сурункали пневмония

- 4.каверноз сил
- 5.рак, саркома.

6.Бронхоэктазлар купинча окибатида ривожланади.

- 1.рак, эмфиземада

2.кук йутал, ривожланиш нуксонларида

- 3.силда
- 4.упка инфарктида
- 5.плеврит, абсцессларда.

7.Упка эмфиземаси булиши мумкин:

- 1.пневмиониоген
- 2.бронхоэктатик

3.перифокал.

- 4.силдан кейинги
- 5.плеврит билан боглик

8.Упканинг сурункали касалликларида юракдаги купрок юз берадиган характерли узгариш?

- 1.миокарднинг кунгир атрофияси
- 2.миокард инфаркти, семириш.
- 3.чап коринчанинг гипертрофияси.
- 4.кардиомиопатия, юрак пороклари.

5.унг коринчани гипертрофияси

9.УСНК улимга купрок сабаб булади?

- 1.септикопиемия.
- 2.анемия.
- 3.пневмоторокс, пиоторакс.

4.упка-юрак етишмаслиги.

- 5.рак ва сил.

10.Сурункали абсцесс учун характерли огирлашув?

- 1.амилоидоз, рак
- 2.ателектаз, пневмоторакс.
- 3.фиброторакс.

4.амилоидоз, упка юрак.

- 5.силдаги каверналар.

11.ОИТС учун упкадаги патология характерли?

- 1.интерстициал пневмония.
- 2.гранулематоз яллигланиш.

3.геморраргия, инфарктлар.

4.куплаб абсцесслар.

5.метаплазия.

12.Упка ракини купрок учрайдиган огирлашуви?

1.упка юрак.

2.пневмониоген абсцесс.

3.фибриноз плеврит.

4.упка коллапси.

5.ателектаз, упкадан кон кетиши.

13.Упка сили ва ракида упкадан кон кетиши боглик?

1.упка артерияларини ёрилиши билан.

2.диапедез кон кетиши билан.

3.коагулопатиялар билан.

4.томирлар деворини аррозияси билан.

5.гемопоезни бузилиши билан.

14.Бронхоэктазларни турини айтинг?

1.обтурацион.

2.дистрофик.

3.инфекцион.

4.пневмониоген

5.копсимон.

15.Сурункали пневмония кузиганда купрок кузатилади?

1.плеврит, яллигланиш учоги, сурункали бронхит, эмфизема.

2.пневмосклероз, эмфизема, сурункали бронхит.

3.сурункали бронхит, алвеолаларда фибрин, лейкоцитлар.

4.эмфизема, абсцесс, метаплазия.

5.ателектаз, яллигланиш учоги, малигнизация.

16.Упканинг сурункали носпецифик касаллигини айтинг;

1.упканинг кунгир индурацияси

2.крупоз зотилжам

3.бронхопневмония

4.упканинг сурункали обструктив эмфиземаси

5.бронхоэктатик касаллик

* 1, 3 * 1, 4 * 2,3 * 2, 4 * **4, 5**

17.Сурункали бронхит ривожланиши натижасида ривожланади?

1.венот димланиш

2.нафас йулларининг чангланиши

3.упка гиповентиляцияси

4.лимфостаз

5.чекиш

* 1, 3 * 2, 3 * 1, 4 * **2, 5** * 1, 5

18.Бронхоэктазда бронх деворининг узгаришларини айтинг:

1.упка тукимаси хаволигининг ошиши

2.яллигланиш

3.бушликнинг кенгайиши

4.склероз

5.шиллик кават эпителийнинг метаплазияси

* 1, 2 * 1, 2,3 * 1, 2,3,4 * **2, 3,4,5** * 1, 3,4,5

19.Упканинг сурункали носпецифик касалликларида юракдаги узгаришларни курсатинг:

* чап коринча гипертрофияси

* **унг коринча гипертрофияси**

- * чап булмача кенгайиши
- * миокарднинг кунгир атрофияси
- * кардиосклероз

20.Упканинг периферик ракига хос гистологик турини курсатинг:

- 1.утувчи хужайрали
- 2.тариксимонхужайрали
- 3.гипернефроидли
- 4.аденокарцинома
- 5.ясси хужайрали мугузланмайдиган

* 1, 2,3 * 2, 3,4 * 1, 4,5 * **2, 3,5** * 1.3, 5

21.Упканинг сурункали носпецифик касалликларини айтинг:

- 1.упканинг кунгир индурацияси
- 2.фиброз альвеолит
- 3.сурункали пневмония
- 4.казеоз пневмония
- 5.учокли пневмония

* 1.3 * **2, 3** * 1, 4 * 2, 4 * 1, 5

22.Упка ракининг жойлашишига кура клиник-анатомик турларини айтинг:

- 1.плевра ости
- 2.пилакчасимон
- 3.периферик
- 4.массив
- 5.марказий

* 1, 2,3 * 2, 3,4 * 1, 4,5 * 2, 3,5 * **3,4, 5**

23.Упка эпителийсининг рак олди жараёнларини курсатинг:

- 1.эмфизема
- 2.ателектаз
- 3.дисплазия
- 4.атрофия
- 5.метаплазия

* 1, 3 * 2.3 * 1, 4 * 2, 4 * **3, 5**

24.Упка эмфиземасининг куп учрайдиган турини курсатинг:

- * сурункали учокли
- * кариликдаги
- * оралик
- * уткир оралик обструктив

***Сурункали кайтмас диффуз обструктив**

25.Упка эмфиземаси нима?

- 1.упка тукумасининг босилиши
- 2.хавонинг куп тупланиши ва упка улчамларининг катталашиши
- 3.упкада бириктирувчи тукуманинг усиб кетиши
- 4 эластикликнинг атрофияси
- 5.бронх бушлигининг кенгайиши

* 1, 3 * 2.3 * 1, 4 * **2, 4** * 1, 5

Амалий машгулотда ечиш учун масалалар:

1. Сил касаллигидан улган беморнинг упкасида 6х5 см фиброз кобик билан чегараланган нотугри шаклда бушлигида окиш-саргимтир сузмасимон масса булган узгариш топилди. Бушликни бронхлар девори билан туташганлиги кузатилди. Упкада кандай патологик узгариш ривожланган?

2. Сурункали бронхит билан узок вақт давомида огриган беморда упкасида усма аникланди. Жараённи тушинтиринг?

3. УСНК лари булган беморни жасади ёрилганда юрагининг огирлиги 700г., улчамлари унга ортганлиги, коринчаларни кенгайганлиги кузатилди. Миокардда қандай микроскопик узгаришлар топилади.

4.Бронх деворида бирламчи усма аникланди. У қайси аъзоларга метастазлар бериши мумкин?

5.2-сил билан огриётган беморда сийдиги тахлилида оксил аникланди. Қандай огирлашув юзага келган?

Тестлар ва вазиятли масалалар ечишда янги педагогик технологиянинг интерактив усулларидан «мия штурми» услубида жавоблар олинади: бунда талабалар томонидан куплаб жавоб ва гоёлар уртага ташланади, уқитувчи қисқа муддат ичида талабаларнинг амалий машгулотга тайёргарлиги ҳақидаги маълумотларни йигади.

1У. Ушбу мавзу юзасидан талабалар илмий ҷамияти бўйича вазифалар:

Қуйидаги мавзуларнинг бирига маъруза тайёрланг.

- 1.Плеврадаги патологик жараёнлар (яллигланиш табиатидаги газлар таъсири).
- 2.Пневмоторакс
- 3.Плевра усмалари
- 4.Бронхоэктатик касаллик.
- 5.Упканинг периферик рақлари.

У.Мавзунинг узлаштиришни текшириш учун саволлар:

1. УСНК патогенезини тушинтиринг.
2. Сурункали бронхитни турларини айтинг.
3. Бронхоэктазларни тугалланиши.
4. Сурункали абсцесс морфологияси тушинтиринг.
5. Упка рақини турлари.

Машгулот учун рейтинг бали:

- | | |
|--------------------------|----------------------------|
| 1.Назарий билимига:_____ | 2.Амалий қуникмасига:_____ |
| Жами:_____ | Уқитувчининг имзоси:_____ |

АДАБИЁТЛАР:

1. **М.С. Абдуллаҳужаева. Одам патологияси асослари.** Тошкент. Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашр. 1998. II-қисм. 218-267б.
2. **Патологическая анатомия (курс лекций). П/р. академика РАМН В.В.Серова, академика РАН и РАМН М.А.Пальцева.** М.Москва.1998.
3. **А.И.Струков и др. Патологическая анатомия.** М.: Мед. 1985. 324-340С.
4. **В.А.Алимов, З.З.Эгамбердиева. Патологическая анатомиядан қулланма** Тошкент. Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашр. 1993. 80-87б.
5. **Патологическая анатомия фани бўйича компьютер тест назорат дастурлари. 1-ТошДавТИ** (патологическая анатомия кафедраси). 2002 йил.
6. **Тестовые задания по патологической анатомии. Я.Ю.Утепов и др.** Шимкент – 1996г.56-60с.
7. **Я.Ярыгин Атлас патологической анатомии.** М.: Медицина. 1986. 268-277с.
8. **В.В.Серов и др. Руководство к практическим занятиям по патологической анатомии** М.: Мед., 1987. 157-164С.